ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ДИНАМИКАСИ

Р.Б.ҚОДИРОВ

В статье освещена динамика роста населения на примере трех вилоятов Ферганской долины, выявлены основные факторы, влияющие на рост населения

This article is covered dynamics growth of the population on an example three provinces of the Fergana valley, the major factors influencing growth of the population are revealed.

Фарғона водийси аҳолиси кўплиги ва меҳнат ресурсларига бойлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Маълумки, Фарғона водийсида аҳоли жуда қадимдан яшаб келади. Фарғона вилояти Сўх туманида жойлашган Сел-Унгур ғоридан топилган археологик ёдгорликлар бу ерда бир миллион йил илгари ҳам инсонлар яшаганлигини тасдиқлайди.

Милоддан олдинги VI-III асрларга мансуб Эйлатон, Далварзинтепа, Поп, Чуст, мелодий II-III асрларга мансуб Эрши, Қуббо ва бошқа ҳудудлардаги тарихий топилмалар водийда жуда қадимдан цивилизация шаклланганлигини кўрсатади. Антик даврда илк шаҳарлар вужудга келган. Хитой ёзма манбаларига кўра, ушбу даврда Қадимги Давон мамлакатида 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳарлар мавжуд бўлган. Мамлакат пойтахти Эрши (ҳозирги Марҳамат шаҳри ҳудудидаги Мингтепа археологик ёдгорлиги ўрнида) шаҳри бўлган.

Водий аҳолиси, асосан, сой ва дарё водийларида, тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Ерларни ўзлаштириб, суғорма деҳқончилик мақсадларида фойдаланишган. Ҳунармандчилик, чорвачилик ҳам юксак даражада тараққий этган.

Фарғона водийси аҳолиси динамикасига урушлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар кучли таъсир кўрсатган. XX аср ўрталаригача аҳоли сони секин кўпайган. Ундан кейинги даврда аҳоли сони ўсиши тезлашди. Бу жараён XX асрнинг сўнгги ўн йиллигигача давом этиб келди. Ҳозирги кунда эса бу жараён сезиларли даражада пасайди ва барқарорлашиб бормоқда(1-жадвал).

Фарғона водийси вилоятларида 1926 йилда 1500,1 минг аҳоли яшаган. Шундан 502,5 минг киши ёки 33,5 % аҳоли Андижон вилоятига, 397,8 минг киши ёки 26,5 % аҳоли Наманган вилоятига ва 599,8 минг киши ёки 40,0 % аҳоли Фарғона вилоятига тўғри келган (ҳозирда ушбу нисбат мос равишда 32,2 %, 28,6 % ва 39,1 % га тенг).

Дастлабки аҳоли рўйхати ўтказилган давр ичида (1926-1936) водий аҳолисининг умумий сони 452,9 минг кишига ортди. Аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати 2,4 % га тенг бўлди.

1939-1959 йилларда аҳоли сони олдинги даврга нисбатан озроқ, яъни 227,9 минг кишига кўпайди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,2 % га тушиб қолди. Бунга иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги иқтисодий қийинчиликлар жуда катта таъсир кўрсатган.

1959-70 йилларда аҳоли сони тезлик билан ўса бошлади. Натижада 1970 йил аҳоли сони 3238,0 минг кишига етди. Бу 1959 йилга нисбатан 40,7 % га кўп, демакдир. Шу сабабли кузатилаётган даврлар ичида 1939-59 йиллар алоҳида ажралиб туради. 1979 йили ҳудуд аҳолиси 4143,0 минг ки-

1-жадвал

Фаргона водийси вилоятларда ахоли сонининг усиши (минг киши хисобида)

	1926	1939	1959	1970	1979	1990	2000	2008
Ўзбекистон Республикаси	4621,0	6551,0	8395,0	11799,0	15787,0	20322,0	24966,8	27072,2
Фарғона водийси	1500,1	1953,0	2301,0	3238,0	4143,0	5579,0	7016,4	7597,7
Андижон	502,5	652,6	768,0	1059,0	1349,0	1795,0	2333,0	2451,2
Наманган	397,8	521,4	594,0	847,0	1100,0	1558,0	1969,6	2174,3
Фарғона	599,8	779,0	939,0	1332,0	1694,0	2226,0	2712,9	2972,2

шига етди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,0 % дан юқори бўлди. Бунга собиқ иттифоқ миқёсида туғилишни рағбатлантиришга қаратилган демографик сиёсат ижобий таъсир кўрсатди. Аҳоли сонининг тез ўсиш суръатлари 1979-89 йилларда ҳам сақланиб қолди. Лекин вилоятлар ўртасида тавофутлар юзага кела бошлади. Энг юқори ўсиш суръати Наманган вилоятида 3,78 % га тенг бўлса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида энг паст бўлиб, 2,85 % ни ташкил этди. Аҳоли ўсиш суръатларидаги тафовутлар 1990-2000 йилларда янада яққолроқ кўзга ташлана бошлади. Наманган вилояти аҳолиси 4,25 % га кўпайгани ҳолда, Фарғона вилояти аҳолиси атиги 2,0 % га ўсди, холос. Аҳоли динамикасидаги бундай фарқлар, биринчи навбатда, аҳолининг миллий таркиби, ташқи миграция ва урбанизация билан чамбарчас боғлиқ. Негаки, Фарғона вилоятида рус ва русийзабон аҳоли қўшни вилоятларга нисбатан кўпроқ истиқомат қилади, урбанизация даражаси ҳам юқори. Улар орасида ташқи миграциянинг ўрни жуда сезиларли даражада бўлди. Вилоятга XX аср ўрталарида кўчириб олиб келинган қрим татарлари, месхети туркларри ва бошқа халқлар собиқ иттифоқ парчалангач ўз юртларига кўчиб кетишди. Натижада вилоят аҳолиси сони Наманган ва Андижон вилоятларига нисбатан камроқ кўпайди.

2000-2008 йиллар мобайнида водий аҳолиси 7016,4 минг кишидан 7597,7 минг кишига етди ёки 581,3 минг кишига кўпайди. Аҳоли сони миқдор жиҳатдан кўпайган бўлса-да, ўсиш суръати 8,2 % га тенг бўлди, холос. Бундан кўринадики, демографик жараёнлар пасайиб, табиий ўсиш суръатлари барқарорлашиб бормоқда. Яқин келажакда ҳам бундай жараён сақланиб қолади.

Аҳоли динамикасида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси динамикасини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки қишлоқ ва шаҳар аҳолиси динамикаси доимо бир-биридан фарқ қилиб, умумий аҳоли динамикасига ўзига хос таъсир этиб келган.

Юқорида таъкидланганидек, Фарғона водийсида жуда қадимдан шаҳарлар пайдо бўлган бўлса-да, лекин XX аср ўрталаригача урбанизация даражаси паст кўрсаткичларга эга бўлган.

1960-йиллардаги иқтисодий ривожланиш натижасида водийда урбанизация даражаси кўтарилди ва аҳолининг 28,2 % и шаҳарларда истиқомат қилди. Айниқса, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич юқори бўлиб, 36,0 % га етди.

1959-79 йилларда бир қатор аҳоли пунктларига шаҳар мақоми берилиши муносабати билан урбанизация 31,0 % га етди. Кейинги 1980-2008 йилларда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатида муҳим ўзгаришлар кузатилмайди.

Шаҳар аҳолиси динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, 1926-1959 йилларда водий шаҳар аҳолиси сони қарайб 3 мартага ўсган. Бундай ўсиш Фарғона вилоятида янада кўпроқ эканлиги билан характерлидир. 1959-2008 йиллар оралиғида водий шаҳар аҳолиси сони 630,0 минг кишидан 2350,4 минг кишига ёки 3,7 барабарга кўпайди. Шаҳар аҳолисининг ўсиш суръатлари бу даврда Наманган вилоятида фаол кечди. Натижада бу вилоят шаҳар аҳолиси 115,0 минг кишидан 806,3 минг кишига етди ёки давр оралиғида 7 маротабадан кўпроқ ўсишга эришa олди. Холбуки, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 2,7 баробарга, Андижон вилоятида эса 4,1 баробарга тенг бўлди.

Қишлоқ аҳолиси динамикаси шаҳар аҳолиси динамикасидан бир оз фарқ қилади. Чунки қишлоқ шаҳар аҳолисига нисбатан тез кўпайди. Бунга аҳолининг миллий таркиби, миллий урф-одатлар, медицина хизматининг юксалиши, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши жиддий таъсир кўрсатди.

Агар 1926 йилда водийда 1125,6 минг қишлоқ аҳолиси бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 5247,8 минг кишига етди. Ушбу давр ичида қишлоқ аҳолиси сони 4121,7 минг кишига ёки 4,7 маротабага кўпайди. Бундай кўпайиш юқори бўлса-да, лекин шаҳар аҳолиси динамикаси(6,6 марта)га нисбатан паст эканлиги билан характерланади.

Сўнгги ўн йилликларда водий иқтисодиётида жуда катта индустриал ривожланиш амалга оширилаётганлигини ҳисобга олсак, қишлоқ аҳолиси динамикасининг пасайиб бориши табиий ҳол эканлиги аён бўлади.

Аҳоли динамикасида аҳолининг табиий ўсиши ҳам муҳим ўрин тутади. Аҳоли табиий ўсиши жиҳатидан Фарғона водийси аҳолиси республика вилоятлари бўйича ўртача ўринларни эгаллайди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, аҳоли табиий ўсиши 1960-70 йилларда ўзининг энг юқори кўрсаткичларига эришган(28,8-32,8 промилле). 1980-90 йилларда ҳам юқори даражада сақланиб қолди. Кейинги даврларда эса бу жараён анча пасайди ва у йилига 14-17 промиллени ташкил этмоқда.

Вилоятлар миқёсида аҳолининг табиий ўсиши Наманган вилоятида бир оз юқорироқ. Фарғона вилоятида эса аксинча. Бунинг асосий сабаби қўшни вилоятларга нисбатан Наманган вилоятида индустриал тармоқларнинг яхши тараққий этмаганлиги ва шаҳарлар аҳолиси миллий таркибида маҳаллий халқларнинг катта улушга эга эканлигидир.

Маълумотларга кўра, водий вилоятлари ичида туғилишнинг энг юқори коэффициенти 1970 йилда Наманган вилоятида (38,4 промилле), ўлим коэффициенти эса Фарғона вилоятида (12,8 промилле) кузатилди. Аҳоли табиий ўсишининг энг юқори коэффициентлари 1970 йилда Наманган вилоятида 32,8 промиллега тенг бўлди. Фарғона ва Андижон вилоятларида эса энг юқори кўрсаткич 1965 йилда қайд этилди (31,0 ва 30,1 промилле).

Аҳоли динамикасида миграция ҳам катта роль ўйнайди. Водийга XIX аср иккинчи ярмидан рус ва татарлар, XX аср 20-30-йилларида корейслар, 40-йилларида қрим-татарлари, месхети турклари ва бошқа халқлар кўчиб келди. Ўз навбатида, XX асрнинг иккинчи ярмида Россиянинг Марказий Қоратупроқ, Ғарбий Сибирь, Байкал-Амур магистрали, Приморье ўлкаларига, шунингдек, Мирзачўл ва Қарши чўлларини ўзлаштириш учун аҳоли миграциялари ташкил этилди.

XX аср сўнгги ўн йиллиги бошларида қрим-татарлари, месхети турклари, бир қатор рус ва русийзабон аҳолининг ўз юртларига қайтиши кучайди. 1995 йиллардан бошлаб миграциянинг водий аҳолиси сонига таъсири камая бошлади.

Фарғона водийси аҳолиси динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики:

- аҳоли сони динамикасига урушлар, аҳоли миллий таркиби, урбанизация ва медицинанинг ривожланиш даражаси ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллар катта тасир кўрсатган;

- аҳоли сони 1926 йилда 1,5 млн. кишини ташкил этган бўлса, ҳозирда 7,5 млн. кишига яқинлашиб қолди ёки кузатилаётган 82 йил оралиғида 5 мартага ўсди, аҳоли зичлик даражаси 1 кв.км. га 400 кишидан ортиб кетди;

- аҳоли динамикасига аҳоли табиий ўсишининг таъсири сезиларли даражада бўлиб келмоқда, унинг энг юқори кўрсаткичлари 1960-90 йилларга тўғри келади, кейинги даврларда камайиш ва барқарорлашиш кузатилмоқда;

- шаҳар аҳолисининг умумий аҳоли динамикасига таъсири катта бўлиб келмоқда. Негаки, водийда урбанизация даражаси нисбатан паст ва миллий таркибида туб миллат вакилларининг кўплиги учун шаҳарларда туғилиш даражаси юқори бўлиб, қишлоқларга нисбатан кескин фарқ қилмайди;

- туғилиш ва табиий ўсиш кўрсаткичлари Наманган вилоятида энг юқори, Фарғона вилоятида эса, аксинча, паст бўлиб келган, Андижон вилояти ўтача ўринларни банд этган, бунга иқтисодий-ижтимоий ривожланиш катта таъсир кўрсатган;

- яқин келажакда табиий ўсиш суръатларига боғлиқ ҳолда аҳоли сони ўсиб борса-да, лекин унинг динамикасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмайди, яъни у мўътадил тадрижий равишда ўсиб боради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев О. Фарғона водийси. –Наманган, 2000.- 448 б.
2. Численность населения Республики Узбекистан. 1 января 2000 г. Статистической сборник.– Т.: Мин. Макроэкономики и статистики РУз. Гос. департамент статистики, 2000.– 87 с.
3. Численность населения Республики Узбекистан. 1 января 2008 г. Статистической сборник.– Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2008.– 12 с.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-том.– Т.: Ўзбек Миллий Энциклопедияси, 2006.- 712 б.
5. Қодиров Р.Б. Аҳоли ва меҳнат ресурслари.– Андижон, 2008.- 78 б.

Андижон давлат университети,
2010 йил 2 февралда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. А.А.Қаюмов)